

# Самарқанд вилоятида амалга ошириладиган лойиҳалар тақдимот қилинди



Президент Шавкат Мирзиёев 9 декабрь куни Самарқанд вилоятида амалга ошириладиган лойиҳалар тақдимоти билан танишди.

Бу лойиҳалар Самарқандни замонавий шаҳарга айлантириш, аҳоли, тадбиркорлар ва инвесторлар учун қулайликларни ошириш, туризм ривожи учун шароитларни яхшилашга қаратилган.

Маълумки, яқин йилларда Самарқанд яшаш учун қулай “миллионли шаҳар”га айлантирилади. Бунинг учун шаҳар таркибига қўшни туманлардан муайян ҳудудлар қўшилади. Давлат идоралари ва маъмурий хизматлар тарихий марказдан бошқа жойга кўчирилади. 2 та тоннель ва 2 та кўприк қурилади.


Самарқанднинг асосий драйверларидан бири бўлган туризм соҳасида 40 минг кишининг бандлигини таъминлаш режалаштирилган. Бунинг учун вилоятни юртимизнинг “Туризм дарвозаси”га айлантириш орқали келгуси беш йилда сайёҳлик хизматлари ҳажмини 10 баробарга ошириш мўлжалланган. Жумладан, 600 дан ортиқ янги меҳмонхона ва оиласиб мөхмон уйлари ташкил этилади.

Бу соҳадаги энг улкан лойиҳа Самарқанд бизнес ва туризм марказидир. 212 гектар майдонда барпо этилаётган бу масканда халқаро конгресс маркази, “Абадий шаҳар” карвонсарой мажмуаси, 8 та меҳмонхона, дам олиш ва кўнгилочар обьектлар, ҳунармандчилик маркази, сунъий сув ҳавзалари бўлади. Бу ерда 5 мингдан зиёд ёшлар бандлиги таъминланади.

Умуман, вилоятга ташриф буюрадиган хорижий сайёҳлар сонини йилига 5 миллионга етказиш мақсад қилинган.

Тақдимотда ушбу лойиҳаларнинг амалий жиҳатлари, режадаги иншоотларни замонавий ва

сифатлы қилиб қуриш чоралари мұхокама қилинди.



Манба